

Маҳалла

1996 йилдан чиқа бошлаган * 2013 йил 11 сентябрь. Чоршанба №77 (939) * www.mahallagzt.uz * info@mahallagzt.uz

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ШҲТ САММИТИДА ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) Давлат раҳбарлари кен-

газининг 2013 йил 12-13 сентябрь кунлари Бишкек шаҳрида бўладиган навбатдаги мажлисида иштирок этади.

ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин 10 сентябрь куни Самарқанд шаҳрига ташриф буюрдилар.

Олий мартабали меҳмон қадим шаҳарнинг тарихий обидалари билан танишувни Мирзо Улугбек раҳбарликдан бошлади. Мазкур раҳбарона аждодларимизнинг буюк закоси, юртимиз илм-фанининг чуқур илҳизлари ва тараққиётдан далолат беради. Си Цзиньпин Мирзо Улугбекнинг ҳаёти ва илмий мероси билан таништириди.

Икки давлат раҳбарлари Амир Темур мақбараси ва Регистон мажмуини бориб кўрдилар.

Хитой раҳбари Шарқ меъморчилигининг ноёб обидаларидан бўлган Регистон мажмуини катта қизиқиш билан томоша қилди. Бу ерда доимий фаолият юритувчи миллий ҳунармандлик буюмлари кўргазмасини кўздан кечирди. Самарқандда аздадан ҳунармандлик, савдо-сотик ривожланган. Қўли гул усталаримиз тайёрлаган маҳсулотлар Буюк ипак йўли орқали бутун дунёга, жумладан, Чин заминига ҳам етиб борган. Хитойнинг турли мамлакатлар билан савдо алоқаларини ривожлантириш ва маданиятини янада бойитишда Самарқанд муҳим роль ўйнаган.

Олий мартабали меҳмон қадим маданиятимиз ва миллий давлатчилигимиз тисоли, меъморлик санъатининг юксак намунаси бўлган Самарқанд обидалари унутилмас таассурот қолдирганини алоҳида таъкидлади.

— Жаҳон цивилизацияси марказларидан бири бўлган Самарқанд шаҳрини зиёрат қилиш шарафига муяссар бўлганимдан хурсандман. Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатни ҳар томонлама ривожлантириш, қадимий осори-атиқаларни асраб-авайлаш, бунёдкорлик ва ободон-

лаштириш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдим, — деди Си Цзиньпин. — Катъий нишонанки, Ўзбекистон халқи Президент Ислам Каримов раҳнамолигида бундан кейин ҳам юксак ютуқ ва марраларга эришaveraди.

Хитой Халқ Республикаси Раисининг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи ҳар томонлама самарали бўлди. Қўрсарой қароргоҳида ўтган музокаралар якунида Ислам Каримов ва Си Цзиньпин Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларацияни имзоладилар. Шунингдек, саноат, минерал ресурсларни ўзлаштириш, энергетика, транспорт ва юқори технологиялар соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, гуманитар алоқаларни кенгайтириш бўйича ҳукуматлараро, вазирлик ва идоралараро ўзаро манфаатли кўлаб ҳужжатлар имзоланди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги стратегик ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга хизмат қилди.

Шу билан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи якунига етди. Хитой раҳбари Ўзбекистонга ташрифи жуда самарали бўлганини таъкидлаб, самимий қабул учун Президент Ислам Каримовга чуқур миннатдорлик билдирди.

Анвар САМАДОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ



ФАОЛИЯТДА НАМУНА ВА ИБРАТЛИЛАР САРАЛАНДИ

**«Туркистон» саройида
«Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари»
танловининг республика босқичи бўлиб ўтди**

Обод турмуш йилида ўтказилаётган «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танлови маҳаллаларда миллий ва маънавий қадриятларни тарғиб қилиш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш ҳамда йиғинлар тараққиётининг турли соҳаларини қамраб олган ҳолда уларни ривожлантириш йўналишида амалга оширилаётган кенг қамровли ишларни ўрганиш, рағбатлантириш, муносиб тақдирлаш ҳамда бу борадаги илғор тажрибани оммалаштириш каби эзгу мақсадларни кўзлаган.

Жорий йили танлов «Обод турмуш йили» Давлат дастуридаги устувор вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 21 февралдаги 51-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган 2013 йилда «Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғри-

сида»ги Дастурида белгиланган «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги қўшма қарор ҳамда низом талаблари асосида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика босқичида, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Ички ишлар, Халқ таълими, Олий ва ўрта

махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Дин ишлари бўйича қўмита, Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Камолот» ЕИҲ Марказий Кенгаши, Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

«Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танлови «обод турмуш» гоясини амалга ошириш борасида ташкилий-амалий, тарғибот ишларини кучайтириш, маҳалла институти нуфузини ошириш борасида самарали фаолият курсатиб келаётган йиғинларни аниқлаб, уларнинг тажрибаларини оммалаштириш имконини бераётир.

> [2]



ЮРТИНГ ОБОД — ДИЛИНГ ОБОД

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

«Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш борасида «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Жалакудук тумани бўлими алоҳида фаоллик кўрсатмоқда.

Халқ фаровонлиги, кишилар турмуш тарзининг яхшиланishi бўлимга фаолиятининг устувор йўналишларидан. Таъкидлаш жоизки, Дастур ижросининг таъминланishi натижасида туманимиз қиёфаси тубдан ўзгарди. Хусусан, Ойим, Жалакудук, Ёрқишлоқ қишлоқ фуқаролар йиғинлари чин маънода шаҳар билан бўйлашди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида сезиларли ютуқларга эришилди. Туманимиздаги 63 та маҳалла, 8 та қишлоқ, 2 та шаҳарча фуқаролар йиғини бинолари таъмирдан чиқарилди. Яқинда «Бойчеки» маҳалла фуқаролар йиғини барча шароитларга эга бинога кўчиб ўтди. Бундан ташқари, 2 та маҳалла фуқаролар йиғини биносини таъмирлаш учун 20 миллион сўм маблағ сарфланди. Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллиги арафасида «Олмасор», «Уроқчипела» маҳаллаларининг биноси ҳам тўлиқ реконструкция қилинди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими томонидан қўлғуси байрам арафасида 10 та йиғин компьютер жамланмаси билан таъминланди ва шундай қулайликларга эга маҳаллалар сони 48 тага етди. Йил охирига қадар барча маҳалла фуқаролар йиғинлари замонавий техникалар билан жиҳозланади.

Ана шундай эътибор тўғрисида йиғинларимиз республика ва вилоят миқёсидаги турли кўрик-танловлар ва мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаётир. Мисол учун, Тешиктош қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Кўртқи» маҳалласи «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг республика босқичида совринли учинчи ўринни эгаллади. Йиғин ёшлари эса «Маҳалламиз паҳлавонлари» республика турнирининг вилоят босқичида ғолибликни қўлга киритишди.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда маҳалла институтининг нуфузини ошириш, унинг жамият ҳаётидаги мавқени кучайтириш йўлида олиб борилаётган ишловлар самарасидир.

Ҳабибулло ҚўЧҚОРОВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди
Жалакудук тумани бўлими раиси.

«ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ — 2013»

Ҳал қилувчи баҳсларга ҳозирлик қизғин



Истиклолнинг дастлабки йилларидан бошлаб Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда футболни ривожлантириш ва оммалаштиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда.

Миллионлар ўзини ривожини жадаллаштириш мақсадидаги Президентимиз фармони ва ҳукумат қарорларига асосан кўлаб шаҳар ва қишлоқларда замонавий стадионлар барпо этилмоқда. Футбол мактаблари ва академияларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Маҳаллалар ёшлари ўртасида ташкил этилаётган «Футболимиз келажаги» кубоги мусобақалари ҳам ана шу юксак эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

> [4]

ФОРУМ

ВАТАНИМ ОСТОНАСИ МАҲАЛЛАМДАН, ОИЛАМДАН БОШЛАНАДИ



Дарҳақиқат, оила — муқаддас бешик, маҳалла — Ватан ичра ягона Ватан. Шу азиз Ватанимиз остонаси эса, чиндан ҳам туғилиб ўсган мустаҳкам кўрғон — оиламиздан, киндик қонимиз тўқилган табарруқ манзил — маҳалламиздан бошланади.

Юртин тинч, элни фаровон, замондошларимизни хотиржам ва бир-бирига меҳр-оқибати кўрмоқчи истасак, ана шу остонамизни, унга қўшиб қалбимизни пок тутмоғимиз, Юртбошимиз таъбирлари билан айтганда, ободликни кўнгилдан бошламоғимиз зарур. Шундагина кўзлаган улкан мақсад-муддаоларимизга етамиз.

Юртимизда мустақилликнинг йигирма икки йиллик шоднёлалари «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» эзгу гояси асосида кенг нишонланаётир. Мазкур байрам тантаналари доирасида маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш,

> [3]

ОБОДЛИК КўНГИЛДАН БОШЛАНАДИ

ТИНЧЛИК — ЮКСАЛИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Юртимиздаги барча бунёдкорлик ва яратувчанликка, шубҳасиз, давлатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаган доно сиёсати, ўз танлаган йўлимиздан оғишмай бораётганимиз омил бўлаётир.



Истиклол боис юртимизда кенг қўл очиб ёйган яратувчанлик ҳаракатлари Термиз шаҳрининг қиёфасини ҳам тубдан ўзгартириб юборди. Айниқса, Имом ат-Термизий таваллудининг 1200, «Алломиш» дostonи яратилганининг 1000, Термиз шаҳрининг 2500 йиллик тантаналари, Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб Президент соврини учун ҳар икки йилда бир марта ўтказиб келинаётган халқаро кураш мусобақалари ҳамда Алломиш уйинларининг илк марта Термизда ташкил этилгани жуда катта ободончилик, қурилиш ҳамда кўлакам-зорлаштириш амалларига йўл очди.

> [3]

ТАНЛОВ

ФАОЛИЯТДА НАМУНА ВА ИБРАТЛИЛАР САРАЛАНДИ

«Туркистон» саройида «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг республика босқичи бўлиб ўтди



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

...Соат 09:00. Муҳташам «Туркистон» саройи ҳар доимидан ҳам гавжум. Бинога киришда карнай-сурнай садолари остида миллий либосдаги қизлар меҳмонларга тавозе ва гуллар билан пешвоз чиқмоқда. «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг республика босқичи иштирокчилари ва меҳмонларнинг юз-қузиди байрамона кайфият, кутаринчилик беихтиёр сезиниб қалбингизга ҳам кўчади.

Таъкидлаш жоизки, мазкур танлов фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимидати танлов орасида энг нуфузли тадбирлардан бирига айланди. Низомига мувофиқ, танловнинг жорий йилнинг июнь-июль ойида бўлиб ўтган тумани (шаҳар) босқичларида республикамиздаги ун мингта яқин фуқаролар йиғинлари қатнашиб, уларнинг икки юзга яқини танловнинг кейинги, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида йўлланмани қўлга киритди.

Жорий йилнинг август ойида эса мазкур босқичда биринчи ўринларга сазовор бўлган 14 та фуқаролар йиғини республика миқёсидаги баҳсларда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди.

...Меҳмонлар келиши давом этмоқда. Сарой фойсидидаги фуқаролар йиғинлари фаолиятига доир кўргазмалар бу ерга ташириб буюрганларда катта қизиқиш уйғотди. Миллий ҳунармандчилик намуналаридан иборат кўргазмаларни томоша қилиб, халқимизга хос қадриятлар нечоғли боқий, сермазмун ҳамда маданиятимизга уйғунлигидан кўнглингиз фахр ва ифтихорга тўлади.

Улар орасида юртимиз маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳунармандлари томонидан ташкил этилган кўргазма ўзига хослиги билан ажралиб турди. Унда маҳалла ҳунармандлари иш намуналаридан йиғилган композиция кишида ҳУДУА аҳолисининг тарихий анъана ва қадриятлари ҳақида тасаввур уйғотди. Айниқса, бино фойсидида ўрнатилган панноларда юртимиздаги барқарорлик ва осойишталикни ўзида ифода этган турли широрлар танловга ташириб буюрган ҳар бир кишини сергаклик ва ҳушёрликка чорлаб, улут ئەмнат — тинчликни қадрашга ундайди.

— Танлов энг намунали, илгор иш таърибига эга фуқаролар йиғинларининг салоҳият ва маҳоратларини синовдан ўтказиш билан бирга, фуқаролар йиғинлари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, масъул котиб ва «Маҳалла посбони» жамоатчилик тизимаси сардорларининг ўзаро таърибга алмаштиришга имкон бериши билан ҳам аҳамиятга эришди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бош мутахассиси Навруз Мусаев. — Пойтахтимиздаги мавжуд 475 та фуқаролар йиғинида ушбу танлов шартларида кўрсатилган мақсад ва вазифалар ижросини таъминлаш борасида қатор ютуқларга эришяпмиз. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонуни талаблари ижросини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлиги, жамоат ташкилотлари билан изчил ҳамкорлик тизимининг жорий этилгани эътиборга молик. Маҳаллаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни зарур адабиётлар билан таъминлаш, биноларни таъмирлаш ва қўриб бериш борасида улкан ишлар амалга оширишмоқда.

...Соат 10:00. Чорлов мусиқаси янграйди. Тадбирни очиб учун сўз «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси, тан-

лов ҳакамлар ҳайъати раиси Анвар Аҳмедовга берилади.

Сунгра танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида голиб бўлган фуқаролар йиғини мутасаддилари тақлиф этилади. Майин мусиқа садоси остида сахнага йиғин раислари, масъул котиб, маслаҳатчи ва «Маҳалла посбони» жамоатчилик тизимаси сардорлари чиқиб келди. Танловнинг ҳудудий босқичларида нуфузли ўринларни қўлга киритган фуқаролар йиғинлари фаолиятига доир ибратли ташаббуслар, илгор иш таъриблари ҳақида ҳикоя қилувчи лавҳалар ва видеороликлар намойиш этилди.

Дастлаб Низомида белгиланган мезонлар асосида ҳакамлар ҳайъати томонидан танлов иштирокчиларининг ҳужжатлари ҳамда фаолиятига доир кўрсаткичлари, эришган ютуқлари қонунийлик, ошқоралик, тенглик тамойиллари асосида баҳоланди.

Иккинчи шарт бўйича иштирокчиларнинг янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуналарининг мазмун-моҳия-

биркорлик фаолиятини ривожлантириш борасида йиғин фаоллари томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ижроси ва самарадорлиги ҳам чуқур ўрганилди.

Иштирокчилар томонидан аҳоли ўртасида маънавий-маърифий ҳамда тарғибот ишларини, шу жумладан, ҳудуднинг ўзига хос қадрият ва анъаналарини, халқимизнинг бой тарихий ва маънавий меросини авайлаб-асраш, тарғиб қилишга оид оммавий-сиёсий, маданий тадбирларнинг мунтазам ташкил этилаётгани беллашувларда яққол намоён бўлди.

Ҳаяжонли дақиқалар бошланди. Ниҳоят, ҳайъат аъзолари фуқаролар йиғинларининг танлов шартлари асосида йиққан балларини эълон қилди.

Мана, энг намунали фуқаролар йиғинлари:

Анджон вилояти Жалақудуқ туманидаги «Қуртқи» маҳалла фуқаролар йиғини 3-ўрин...

Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги Нурсуҳ қишлоқ фуқаролар йиғини 2-ўрин...

ва, ниҳоят, Тошкент шаҳри Олмазор туманидаги «Аҳил» маҳалла фуқаролар йиғини биринчи ўрин...

Зада гулдӯрос қарсақлар янграйди.

— Бугунги танлов ҳам ўзига хос тарзда, қизиқарли, баҳс-мунозарара



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

уларга киритилган узгартиш ва қўшимчалар ҳақидаги биламлари синовдан ўтказилди.

Учинчи шарт бўйича танлов қатнашчиларининг иш фаолиятига оид ва кундалик ҳаётимизда учраб турадиган саволларга берган жавоблари ҳамда фикр-мулоҳазалари, дунёқарashi, ҳозиржавоблиги, тез фикрлаши ҳакамлар ҳайъати қўригидан ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, танлов голибларини аниқлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлари доирасида ижтимоий шериклик муносабатларини янада кенгайтириш, давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган ишларга асосий эътибор қаратилади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фуқаролар йиғинлари ҳузуридидаги Тафтиш комиссияси, шунингдек, асосий фаолият йўналишлари бўйича Яраштириш, Маърифат ва маънавият, Ижтимоий қўллаб-қувватлаш, Хотин-қизлар билан ишлаш, Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари, Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш, Экология ва табиати муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўчаларнинг таъмирлаш ҳамда Жамоатчилик назорати ва истаъмоличларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссиялар фаолиятининг самарали ташкил этилганлигига эътибор қаратилади. Шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш, тад-

бой ўтди, — дейди танлов голиби, «Аҳил» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдухалиқ Ваҳобов. — Бизнинг маҳалла фуқаролар йиғинида ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, бандликка қўмақлашиш, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш борасидаги чора-тадбирлар, йиғинимиз ташаббуси билан олиб борилаётган тарғибот ишлари ҳайъат аъзолари томонидан юқори баҳоланди. Негаки, янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун ваколатларимизни янада орттирди. Танлов янги таҳрирдаги қонунга доир битимларимизни кенгайтирди. Тадбирда иштирок этиб, ҳамкасбларимдан илгор иш усулларини ўргандим. Бундай танловлар қатнашчиларга голиб-

ларнинг иш услублари билан ўртоқлашиш, фикр алмаштириш имконини беради. Бу борада орттирилган таърибга энг катта ютуқдир.

Танловда «Ҳудудда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш ишларини намунали йўлга қўйган фуқаролар йиғини», «Ҳудудда аҳоли, энг аввало, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, тарғибот ишларини тизимли амалга оширишда намунали фаолият кўрсатаётган фуқаролар йиғини», «Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашда намунали фаолият кўрсатаётган фуқаролар йиғини», «Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда намунали фаолият кўрсатаётган фуқаролар йиғини» каби қатор номинациялар бўйича ҳам голиблар аниқланди.

— Юртбошимиз маҳалланинг аҳоли, айниқса, ёшлар маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ масалаларни ечишдаги ҳамда уларни аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлашдаги ўрни юқорилигини доимо эътироф этади, — дейди танлов иштирокчиси, Навоий шаҳри «Турон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулом Қаюмов. — Чиндан ҳам азаддан эл-юрт манфаатида дахлдор юмушларни қўлнинг кучи, кўмаги билан бажаришга одадланганимиз. Ушбу эзгу удув ва анъаналар одамлар орасида ўзаро меҳр-оқибат туғиларини кучайтириш, инсонийлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Муҳими, бундай ишларни муваффақиятли амалга оширишимиз учун барча шарт-шароит яратиб берилган.

Юртимизда Мустақиллик байрами шодиданлари давом этаётган бир пайтда ўтказилган танлов доирасида мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини муттасил оширишда фуқаролар йиғинларининг ўрни ва мавқеи қандай, деган саволга муносиб жавоб олинди. Шу билан бирга, танловда маҳалла фуқаролар йиғинлари зиммасига юклатилган вазифаларни қай даражада ундаётгани яна бир бор синовдан ўтказилди. Бундай танловлар фаолият жараёнида учрайдиган кундалик муаммоларни бартавроқ этиш, ўзаро таърибга алмаштиришда мактаб вазифини ўтайди, албатта.

Танловга ташириб буюрган маҳалла фаоллари пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини зиёрат қилдилар. Улар Юртбошимиз ташаббуси билан барпо этилган «Хастимом» меъморий мажмуасида бўлиб, истиқлол йилларида бой тарихимиз, бебаҳо меросимиз, дини дёнәтинимиз, кўҳна урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тиклангани, мустақил диёримиз учун чинакам маънавий тикланиш ва юксалиш даври бўлаётганини таъкидладилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирликлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари иштирок этди.

Танловда голиб ва совриндорларга диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

«Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танлови якунида янграган дилбар куй ва қўшиқлар барча иштирокчиларнинг қўвончига қўвонч қўшди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари А.Икромов ҳамда Э.Боситхонова иштирок этди.

Толибжон НИЗОМОВ «Mahalla»



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ

ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ



Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг изчиллигини таъминлаш, аҳолининг жамият ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида фаол иштирок этишига замин яратишда ахборот эркинлиги муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз Исрол Қаримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида таъкидланганидек, инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлиги мамлакатимизда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шarti, таъбир жоиз бўлса, тамал тошидир.

Юртбошимиз ташаббуси билан тайёрланган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси жамиятимизда демократик тамойилларни янада мустаҳкамлашга ҳамда сўз эркинлигини таъминлашга хизмат қилиши яқинда Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Ҳуқуқий эксперимент — ноёб таъриб». Уни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки мавзусида ташкил этилган ўқув-семинарда алоҳида таъкидланди.

Вилоят адлия бошқармаси ташаббуси ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлинимаси ҳамкорлигида ўтказилган «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, сиёсий партиялар, ОАВ, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ҳамда юридик ва жисмоний шахслар иштирок этдилар.

Таъкидлаш жоизки, ушбу ҳуқуқий таърибани ўтказишдан мақсад қонун лойиҳаси меъёларини амалий жиҳатдан такомиллаштиришдир. Аҳолининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан янада очиқ мулоқот қилишга эришишда тегишли муассасалар фаолияти ҳамда қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида тезкор ва ишончли ахборотлардан бохабар бўлишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ўтказилаётган ҳуқуқий таърибга ҳар бир раҳбарни фаолияти ҳақида чуқур фикр юритишга ҳамда уни янада такомиллаштириш учун бор куч-гайратини сафарбар этишга ундайди. Мазкур лойиҳани амалга оширишнинг яна бир илҳомий жиҳати шундаки, бу фуқаролик жамиятини ривожлантириш, аҳолининг

турли соҳалардаги иштирокчи фаолаштиришга туртки беради.

Ҳуқуқий таърибани жорий йилнинг май-ноябрь ойларида икки босқичда ўтказиш белгиланган. Дастлабки босқичда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш усулларини амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий ҳамда идоравий ҳужжатлар ўрнатилган тартибда қабул қилинган сунг, асосий босқичга ўтилади.

Унда қонун лойиҳаси ҳуқуқий эксперимент субъектлари фаолиятига нисбатан амалда татбиқ этилади. Шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тузилмалари фаолияти очиқлигини таъминлашнинг қонун лойиҳасида назарда тутилган шакллари ва усуллари, ушбу тузилмалар томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасидаги вазифаларни амалга ошириш юзасидан маъбуот анжуманлари, брифинглар ташкил этилади.

Мазкур жараённинг Самарқанд ва Бухоро вилоятларида синовдан ўтказилиши ушбу ҳудудларда фаол фуқаролик жамияти шаклланишга хизмат қилади. Ҳозирда вилоят адлия бошқармасида ҳуқуқий эксперимент йўналишларини муваффақиятли амалга оширишга хизмат қилувчи зарур барча шарт-шароитлар яратилган.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари веб-сайтлари эксперимент ўтказиш субъектлари фаолиятининг очиқлигини таъминловчи асосий воситалардан биридир. Айни пайтда интернет-ресурсда республика ва вилоят даражасида қабул қилинган ҳамда мунтазам янгиланиб борадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси мавжуд, Шу билан бирга, сайтда фуқароларни виртуал қабул қилиш синовдан ўтказилмоқда. Ушбу тизим орқали фуқаролар нафақат шикоят ёки муурожаат қолдиришлари, балки адлия соҳасига тааллуқли масалада кераклик маслаҳат олишлари ҳам мумкин.

Муҳтасар айтганда, бошқарма томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий таърибани амалга ошириш борасида кенг тушултириш ишлари олиб боришмоқда. Бунда, шубҳасиз, бошқарма тузилмалари ва ахборот хизматининг оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан мустаҳкам ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этапти.

Худоев МАМАТОВ, Самарқанд вилояти адлия бошқармаси бошлиғи.

МАҲАЛЛАДА САНОАТ

ПИШИҚ ГИШТДАН БУНЁД БЎЛАР УЙ, ИНШООТЛАР

Назархон овули — Амударё туманининг шимолӣ ҳудудида, дарёнинг унғ қирғоғида жойлашган сўлим гўша. Овул мамлакатда пахтачилик, галлачилик, боғдорчилик, чорвачилик ва паррандачиликдаги муваффақиятлари билан довурт қозонган.



Истиқлол туфайли бу ерда бошқа соҳалар ҳам жадал ривожланаётир. Айниқса, қурилиш ва бунёдкорлик ҳаракатларининг авж олиши Назархон қиёфасини тубдан узгартириб юборди. 622 та хонадонда яшовчи 3530 нафардан зиёд аҳоли бугун ҳалол меҳнати ортидан мул даромад топаётир. Улар орасида тадбиркорлар сафининг кенгаётгани ҳудуд инфратузилмасининг ривожланишига, кишиларнинг меҳнат билан бандлигини таъминлашга ҳисса қўшмоқда.

«Қорақалпоқ қишлоқ қурилиш сервис» масъулияти чеklangан жамияти ана шундай корхоналардан. Замонавий технология асосида пишиқ гишт ишлаб чиқараётган корхона бугунги кунда нафақат туманимиз, балки Қорақалпоғистон Республикаси миқёсида амалга оширилаётган намунали уй-жойлар қурилиши учун сифат стандартларига тўла жавоб берадиган материаллар етказиб бермоқда.

Замоннинг лойиҳадаги қуввати йилига 25-30 миллион дона гишт ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Корхона раҳба-

рининг таъкидлашича, бу — уртгача турт хонали уй-жойлардан 750-760 та ёки 60 та мактаб қурилишини пишиқ гишт билан таъминлаш имконини беради. Энг муҳими, қишлоққа саноатнинг кириб келиши натижасида 30 нафар назархонлик ёш доимий ишга жойлашди.

Гулжаҳон ИБРАГИМОВА, Амударё туманидаги Назархон овул фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси.

ФОРУМ

ВАТАНИМ ОСТОНАСИ МАҲАЛЛАМДАН, ОИЛАМДАН БОШЛАНАДИ



Ў.А. сурати.

< [1]

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Ички ишлар, Маданият ва спорт ишлари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазат қилиш, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари томонидан ташкил этилган мазкур тадбирларда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш, 12 йиллик мажбурий таълимни ҳамда маҳалла аҳолиси, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш, ҳудудларда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлашдек эзгу ниятлар ижобатига эътибор қаратилади.

Форум Миллий гоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Республика Маънавият тарбиёт маркази, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, Қасаба уюшмалари федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридagi Дин ишлари бўйича кўмита, Республика Марказий банки ва Хоразм вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда уюштирилади.

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз ҳамда ҳукуматимизнинг қатор фармон ва қарорлари асосида Хоразм вилоятида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Унинг маъмурий маркази саналган Урганч шаҳри билан бир қаторда барча шаҳар ва туман марказларида, қишлоқларда олиб борилаётган кенг куламли қурилиш, таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари ҳар қандай кишининг ҳавасини уйғотади. Маънобатли ва кўркам меҳмонхоналар, боғча, мактаб, лицей ва коллежлар, врачлик пунктлари, намунали лойиҳа асосида бунёд этилаётган замонавий уй-жойлар, ишлаб чиқариш объектилари, равон йўллар, истироҳат боғлари, иқлимни барқарорлаштириш ҳамда аҳоли руҳиятини кўтаришга хизмат қиладиган рангин фавворалар — буларнинг барчаси воҳа аҳлининг турмуш маданияти юксалиб, фаровонлиги орғиб бораётганидан далолатдир.

Форум мақсадларини қамраб олган йўналишлардан келиб чиқиб, жами 14 та тарғибот гуруҳи шакллантирилди ва белгиланган жадал асосида улар томонидан маҳаллаларда турли тадбирлар уюштирилди.

«Оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш йўналиши» бўйича маҳаллаларда давлат ва жамият кўмағига муҳтож оилаларга амалий ёрдамлар кўрсатилади. Оила-турмуш доирасида мунтазам равишда ҳуқуқбузарликлар содир этувчи, диний экстремистик оқимларга хайрихоҳ, фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш бўйича иш олиб борилди. «Оммавий маданият»нинг ёшлар тарбиясига салбий таъсири борасида тушунчалар берилади.

«Маҳалла аҳолиси, айниқса, ёшларнинг бандлигини таъминлаш йўналиши» бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, ҳар бир маҳалла кесимида касб-ҳунар коллежини та-

момлаб, ишга жойлашмаган ёшлар ва ишсиз фуқароларнинг аниқ рўйхати тузилди. Улар бандлигини таъминлаш мақсадида буғи иш ирилари ярмаркалари ташкил этилди. Муҳими, тижорат банкларининг мутахассислари томонидан форум иштирокчиларига ўз бизнесларини бошлашлари учун кредитлар ҳақида маълумотлар берилади, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланаётган ёшларнинг банклардан кредит олишига кўмаклашилади.

Бундан ташқари, иш излаб чет давлатларга узоқ мuddатга кетган фуқароларни доимий яшаш манзилларига қайтариш ва уларни доимий ишга жойлаштириш чоралари кўрилади.

Шунингдек, форумнинг «Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш йўналиши» ҳамда вилоятда аҳоли ўртасида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзи, хусусан, хонадон саришталиги, уйлар, айниқса, кўп қаватли иморатлар атрофидаги тозаликни таъминлаш ҳамда шахсий гигиена қондаларига риоя этишни кенг тарғиб қилишда қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар шифокорларининг маҳаллалардаги жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик тизими йўлга қўйилди. Форум доирасида фуқароларнинг узни ўзи бошқариш органларидаги «Ораста қизлар давралари томонидан қизлар тарбиясини шакллантириш бўйича «Остонаси гулзор хонадон — фаритали хонадон» мавзусида тадбирлар уюштирилиб, уларнинг доимий ташкил этилиши йўлга қўйилгани айтилди.

Оқоридагилар билан бирга, форумнинг маҳалла, туман(шаҳар) ва вилоят бошқичларида «Энг обод маҳалла», «Энг намунали хонадон», «Энг саранжом хонадон соҳиби» каби танловлар ҳам ташкил этилди. Ёшлар орасида гиёҳвандлик, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, кашандаликка қарши курашиш борасида уюштирилган тадбирлар ҳам самарали натижалар берди.

Маҳаллаларда умумий ўрта махсус касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги, ота-оналарнинг фарзандларини таъминлаш, тарбиялаш ва таълим бериш бўйича мажбурияти, жавобгарлиги масалалари юзасидан тарғибот-тушунтириш ишлари форумнинг «12 йиллик мажбурий таълимни таъминлаш йўналиши» доирасида амалга оширилди. Бунда таълим муассасаларида «Давомат» тадбирлари ўтказилиб, дарсларга сабабсиз қатнашмайдиган ўқувчилар аниқланди ҳамда уларнинг таълимга жалб этиш чоралари кўрилади. Ёшларнинг бундай вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида спорт ва фан тўғрисидаги ҳамда касб-ҳунар йўналиштириш ишларини тизимли ташкил этиш механизми ишлаб чиқилди. Айниқса, маҳаллаларда «Бир болага етти қўшни ота-она» қадриятини тиклаш борасида бажарилган ишлар таҳсинга лойиқ. Бунда «Баркамол авлодини тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги» концепцияси асосидаги ҳамкорлик янада мустаҳкамланиб, фаолият самарадорлиги оширилди.

Форумнинг «Маҳаллаларда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш йўналиши»даги тадбир-

лар натижасида ҳудудлардаги тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлашга салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида жамоатчилик назорати ўрнатилган алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, ижтимоий хавфли фуқаролар аниқланиб, уларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдамлар кўрсатилади ва уларнинг соғлом турмушга қайтишига эришилди. Маҳаллаларда яшовчи муқаддам судланган, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга маҳкум қилинган шахсларга маҳаллий ҳокимликлар ҳузурдаги «Ижтимоий кўрикма марказлари» ва махсус комиссия орқали ижтимоий ва моддий ёрдам кўрсатилади.

Айниқса, тарбияси оғир, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил ёшларга ижобий таъсир кўрсата оладиган тенгдошлари ҳамда маҳалла фаолларининг бириктирилгани айтилди. Бундан ташқари, бу борада аҳоли, айниқса, ёшлар орасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни гиёҳвандлик, диний экстремизм, ахлоқсизлик каби салбий таъсирлардан сақлаш, миллий менталитетимизга ёт бўлган «оммавий маданият» хуружларидан ҳимоя қилиш юзасидан тарғибот тадбирлари амалга оширилди.

Таъкидлаш жоизки, форум доирасидаги тадбирлар ижросини таъминлаш мақсадида барча маҳалла фуқаролар йиғинларида «Оилага кириш», «Саломатлик», «Таълим ва тарбия», «Бандлик» ва «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси» секторлари ташкил этилди.

Жумладан, «Ватаним остонаси маҳалламдан, оиламдан бошлади» форумининг «Оилага кириш» сектори намунали этиб белгиланган 29 та фуқаролар йиғини билан бирга вилоятнинг барча йиғинларида ҳам ташкил этилди. Тарқибига 5075 нафар маҳалла фаоли, жумладан, отиний, имом-хатиб, диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, масъул котиб, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тизимаси раҳбари ва аъзолари, профилактика инспектори, кўча боши, хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти етакчиси ва бошқалар жалб этилган сектор иши жараёнида вилоят бўйича салкам қирқ икки мингта оила яқиндан ўрганилди.

Оилаларнинг 154 мингдан зиёд аъзолари ҳамда 35841 нафар воёга етмаганлар билан амалий суҳбат ва тушунтиришлар олиб борилди.

«Оилага кириш» гояси чиндан ҳам ўз натижасини берди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Хоразм вилояти бўлими мутахассиси Омонбой Сапаров. — Қисқа мuddатларда бир ярим мингдан зиёд оилада моддий, икки мингдан ортиғида тиббий, 4118 тасида маънавий, 239 тасида ахлоқий, мингта қинида ишсизлик билан боғлиқ ва 1266 тасида бошқа муаммолар мавжудлиги аниқланди. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда фуқаролар йиғинларида тегишли ташкилотлар вакиллари иштирокида 656 та йиғилиш ўтказилиб, аҳоли муурожаатлари ўрганилди. Бунинг натижасида 778 та оилага моддий, 2469 тасига тиббий, 3271 тасига маънавий, 251 тасига ахлоқий, 365 тасига ишга йўналтириш бўйича ҳамда 449 тасига бошқа ёрдамлар кўрсатилади.

Форум ўтказилган давр мобайнида 295 нафар ногиронга, 222 нафар яқка ёғиз ва чин етим фуқарога, 148 нафар уруш ва меҳнат фахрийсига, 691 нафар кам таъминланган оила фарзандига ҳамда 3 нафар табиий офатдан жабр кўрган шахсга ижтимоий кўмаклашилди.

Форум доирасида жойларда қўлаб меҳнат ярмаркалари ташкил этилди. Уларда турт юз нафардан зиёд фуқарони, жумладан, 206 нафар ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш чоралари кўрилади. Шунингдек, 5234 нафар фуқаро, хусусан, чет давлатлардан қайтганлар тиббий кўриқдан ўтказилди.

«Оилага кириш» сектори аъзолари томонидан амалга оширилган тадбирлар доирасида ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи омилларнинг бартафат этилишига алоҳида эътибор қаратилгани эътирофга лойиқ. Бинобарин, бир минг икки юздан зиёд оилада турмуш даражасидаги ҳуқуқбузарликларнинг ҳамда 145 та оиладаги аждарнинг одаи олинди. Шу билан бирга, профилактика хисобидан турган, жанжалкаш, нотинч ва ноқобил оила аъзолари, энгил табиати аёллар, спиртли ичимликка ружу қўйган кўлаб фуқароларнинг ҳулқ-атвори ижобий томонга узгаргани аниқланди.

Маҳаллаларда мактаб ҳамда касб-ҳунар коллежи мураббийлари билан иборат «Таълим ва тарбия» сектори томонидан умумий ўрта, ўрта махсус касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги, ота-оналарнинг фарзандларини таъминлаш, тарбиялаш ва таълим бериш бўйича мажбурияти, жавобгарлиги масалалари юзасидан тарғибот тадбирлари амалга оширилди.

Бутунги кунда вилоятда мавжуд 331 та умумтаълим мактабидан қарийб 262 минг нафар ўқувчи ўқимокда. Шунингдек, 91 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежида салкам 92 минг нафар талаба таҳсил олаётди.

Форум доирасида «Таълим ва тарбия» сектори аъзолари томонидан қарийб ўн беш ярим мингта хонадонга таширф буюрилиб, 622 та мактаб, лицей ва коллежда давомат тадбири ўтказилди, — дейди Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Э.Худойназаров. — Беш кун мобайнида 7059 нафар ўқувчи ва талабанинг дарса қатнашмагани аниқланди ҳамда уларнинг мун-

тазам равишда сабоқларга келишлари юзасидан зарурий чоралар кўрилди. Бундан ташқари, 374 нафар уйда яқка тартибда ўқитилган ўқувчи ва 267 нафар чин етим боланинг ҳолидан хабар олинди.

Дарҳақиқат, вилоятдаги 448 та маҳаллада форумнинг «Ҳуқуқбузарлик профилактикаси» секторлари ҳам ташкил этилди. Уларга жами 2208 нафар фаол, жумладан, 273 нафар профилактика ҳамда 48 нафар воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторлари, 448 нафар психолог, 448 нафар педагог, 494 нафар маҳалла фаоли, 240 нафар отиний ва 257 нафар маҳалла имоми жалб қилинди.

Форум давомида амалга оширилган ишлар натижасида 3821 нафар профилактика хисобидан турган фуқаро билан суҳбат ўтказилиб, уларнинг 299 нафарига мураббийлар бириктирилди, — дейди Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими бошлиғи, полковник М.О.табобов. — Тадбирлар давомида ички ишлар идораларида хисобдан турган шахслардан 579 нафарининг оиласи ўрганилди. Тузалиш йўлига қирган шахсларнинг рўйхатлари шакллантирилиб, уларни хисобдан чиқариш бўйича тавсиялар берилади. Форум даврида жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган 7 нафар шахснинг оилавий шароити, бандлиги ва ижтимоий аҳоли ўрганилиб, уларнинг 6 нафарига 2 миллион сўмдан зиёд миқдорда бир маргалик моддий ёрдам қўрсатилади. Озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган 8 нафар маҳкумдан 5 нафар корхона-ташкilot ва фермер хўжалиқларига ишга жойлаштирилди.

«Ватаним остонаси маҳалламдан, оиламдан бошлади» форумининг вилоят бошқичида ҳудудларда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди. Жумладан, форум давомида турли йўналиш ва секторлар бўйича ишни яхши ташкил этган бир гуруҳ фаоллар ҳамда оиласи, кўчаси ва тумани ободлигига ҳисса қўшган шахслар муносиб тақдирландилар.

«Энг обод маҳалла» танловида голибикни қўлга киритди, — дейди Гулран туманидаги «Қанғол» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Йўдош Яхшимуродов. — Бу Обод турмуш йилида аҳоли билан ҳамжихатликда олиб бораётган ишларимиз натижаси, албатта. Маҳалламизда йигирмадан орғиқ хизмат кўрсатиш ва ишларда чиқариш шохобчаси фаолияти йўлга қўйилган. Бу эса аҳоли бандлигини таъминлашда қўл келмаётган. Воҳамизнинг кун сайин чирой олаётганидан, тинч ва осуда замонада, обод ва фаровон юрда яшаётганимиздан мамнунмиз. Буларнинг барчаси муҳтарам Ўртобшомин раҳнамолигига мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарасидир.


Форум Урганч шаҳрида янги-янги бунёд этилган «Ёшлар қўли» да юртимизнинг таниқли эстрада хонандалари ва санъаткорлари иштирокидаги гала-концерт билан якунланди.

Тадбирнинг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

НАСЛОҲ «Mahalla»

ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛАНАДИ

ТИНЧЛИК — ЮКСАЛИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ



Ў.А. сурати.

< [1]

Бир замонлар асосан ҳарбийларнинг хизмат қилиши ва яшаши учун мослаштирилган шаҳар 22 йил мобайнида кўркам ва обод қиёфа касб этди. Бу эса ҳаммамизга, аввало, бор, шу заминда униб-усиб келаётган ёшларга заъф ва эртанги кунга ишонч туйғулларини бағишламоқда. Термиз давлат университетининг янги биносидан бугун йигит-қизлар бекаму кўст билим эгаллашаётган бўлса, 10 минг урунли замонавий «Сурхон» уйини оғо, «Дельфин» сузиш ҳавзаси болалар билан кишини ёзга бажув. Худудда қад ростлаган муҳташам академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ёшлар давлатимиз гамхўрлигига таҳсил олиб камолга елтипти.

Жаннатмонанд шаҳримизга хориж ишбилармонларининг қизиқиши орғиб бораётгани боис, бу ерда йилдан-йилга қўшма корхоналар сон кўпаймоқда. Жумладан, дори-дармон ишлаб чиқаришга иختисослашган «Нова-Фарм» Ўзбекистон — Ҳиндистон, пилла хомашисини қайта ишловчи «Интер Силк Про» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхоналарининг муваффақият билан фаолият юритиб, мамлакат иқтисоди тараққиётига улуш қўшаётгани қувонарлиқ. Бундай манзаралар «Жанубий дарвоза»дан қирган ҳар бир сайёҳга ҳудуд ижтимоий-иқтисодий қурагани ҳақида теран тасаввур беради.

Амударёнинг икки соҳилида икки халқ — ўзбек ва афгон миллати қадимдан ёнма-ён яшайди. Тўй-маросимларида иштирок этиб, қиз бериб, қиз узатиш ҳам икки элнинг азалий анъаналаридан. Қолаверса, баргикенг халқимиз учун узоқдаги қариндошдан яқиндаги оқибатли қўшини афзал, яхши-ёмон қўшини доимо елкадош, ҳамдарду ҳаммаслақ бўлган. Афсуски, қўшни дийрда 30 йилдан бунён нотинчлик ҳукмрон. Бундан бизнинг халқимиз ҳам ташвишда. Афғонлар ҳаётини янада оғирлаштириб бораётган узоқ мuddатли ҳарбий ҳаракатлар ён қўшни сифатида бизни ҳам хавотирга солаётди.

Давлатимиз раҳбари афгон можароси бутун минтақага хавф солувчи таҳдид ва хатарлар учоғига айлиниб бораётганини бир неча бор жаҳон минбарларида таъкидлаб, бу ердаги вазиятни барқарорлаштириш масалалари дунё ҳамжамияти эътиборини жалб этиб келмоқда. Президентимизнинг ушбу долзарб масала юзасидан билдирган фикрлари асосида тайёрланиб, бир неча тилларда чоп этилган «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак» рисолиси нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон жамоатчилигида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Чунки Афғонистон-

даги вазиятнинг барқарорлашуvidан бевосита бизнинг мамлакатимиз ҳам манфаатдор. Зеро, халқимизнинг «Қўшин тинч — сен тинч», мақоли бежиз айтилмаган.

Табиийки, йиги эшитилган хонадоннинг ён қўшинларида ҳам ҳаёват йўқолади. Бироқ ёнгинамизда содир бўлаётган муҳим воқеалардан хулоса чиқариб, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчликни асраб-авайлаш, фаровон ва маъмури ҳаётимизни қадрлашга бугун ҳар биримиз бурчимиз. Биз юрт қаҳри, дорилмомон кўнар шукӯҳи, оиламиз, фарзандларимиз хавфсизлигини ҳеч қандай омил билан муқояса этиб бўлмаслигини айнан қўшни давлат мисолидан англаб, ҳис этишимиз ва ҳаққоний тўхтамога келамиз.

Шу боис бўлинимиз иш режасидан бундай долзарб вазифалар мустаҳкам урин олган. Худуддаги 31 та маҳалла фуқаролар йиғинида айнан тинчликни сақлаш, хавфсизликни таъминлаш, оғоҳликка даъват этувчи маънавий тарғибот тадбирларини мунтазам уюштириб келмоқдамиз. Айниқса, «Алломиш», «Сурхон соҳили», «Паттақесар» ҳамда Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Ибн Сино номдаги фуқаролар йиғинларида бу борада намунали ишлар амалга оширилмоқда.

Юртимиз сарҳадларига яқин маҳаллалар аҳолиси ўртасида ҳафтанинг муайян кунлари «Ватан остонадан бошланади», «Эл тинчилиги — юрт бойлиги», «Мустақиллик — улуг незмат» каби мавзуларда ташкиллаштирилаётган давра суҳбатларида мутаассад ташкилотлар вакиллари билан жалб қилаётган тадбирлар таъсирчанлигини ошираётди.

Сарҳадлар ҳар қанча мустаҳкам бўлмасин, кишилар бир тану жон бўлиб, Ватан тинчилиги учун ҳаракат қилишмас экан, хавфхатар қамаймайди. Багрикент ва меҳмондўст аҳолисимизни элулус анъаналарига содиқ ҳолда хушёрликка даъват этиб, «Дўст билан обод уйинг», «Биз турли миллат — бир оила фарзандларимиз», «Огоҳлик — давр талаби» каби мавзулардаги суҳбатларга чорлаётганимиз маҳаллаларда осойишталикни сақлаш, миллатлараро тотувликни таъминлаш имконини бераётди. Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ташкиллаштирилган бундай тарғибот тадбирларимизга 133,3 минг кишилик шаҳар аҳолисининг аксари жалб этилган, айниқса, ёшларнинг фаол иштироки таъминлангани қутилган натижаларни беради. Бу йўналишдаги ишларимизни бундан бунён ҳам изчил давом эттириверамиз.

Бегимкул ЧОРИЕВ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Термиз шаҳар бўлими раиси вазифасини бажарувчи.



Ў.А. сурати.

ЭЪТИРОФ

МЕРОС ҚАДРЛАНГАН ЖОЙДА ЎЗЛИК УНУТИЛМАЙДИ

Юртингизга «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалини томоша қилишга келдим. Бундан олти йил аввал ҳам Ўзбекистонда меҳмон бўлгандим. Аммо диёрингизнинг ҳозирги қиёфаси тубдан ўзгариб кетибди.



Ўзбекистоннинг тарихи ҳақида бир китоб мутолаа қилгандим. Унда «Кулоллар», «Сандиқчилар», «Пичоқчилар», «Зардулар», «Бешикчилар» ва яна бир қанча маҳаллар тўғрисида ёзилган. Таржимон-ҳамроҳ — Камолдан маҳалла сўзининг маъносини сўрасам, у: одамларнинг эзгу ишларида маслаҳатчи бўлиб, аҳил-иноқликда яшайдиган маскани бу — маҳалла эканини тушунтирди. Ажабо, бизнинг юрда кўчалар, мавзелар бор, аммо маҳалла йўқ. Мен бошқа мамлакатларда ҳам бундай номни эшитмаганман. Ўзбек элнинг бирдамлиги сабабини энди англадим. Ҳар бир ишни ҳамжиҳатликда, кўпчилик бўлиб бажарганга нима этсин?!

Жиззах шаҳри Мирзо Улугбек номидаги маҳаллада ҳунармандлар сулоласи билан танишдик. Улар оддий лойдан ясаган ҳақиқий санъат асарлари — қўзалар, ликочалар, хумлар, лаганлар, уларда тасвирланган юртингиз манзаралари гўё жонлидек туюлади. Ота-бобосининг ишини давом эттириб келатган ёшларга тасанно айтдим. Мероси сақланган юрда миллийлик ҳам, ўзлик ҳам унутилмайди.

Бизни ҳайратлантирган ҳунарлар орасида яна бири сандиқчилар бўлди. Рангсиз металлга турфа гуллар тасвирини ўйиб чиқиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Ишлов берилган металлнинг турфа ранглари билан безалгани эса чиндан ҳам олқишга лойиқ. Қўпгина сандиқларда бир қўш тасвирини ҳам қўядим. Бу қандай қўшланишни сўраганимда бир уста: «Бу тинчлик рамзи — Ҳумо қўши», дея жавоб берди. Кўнглидаги эзгуликларини ўз меҳнатига жо қилаётган усталарнинг меҳнати ҳар қанча таҳсинга лойиқ.

Хуллас, Жиззахда инсон қўли билан яралаётган ажойиботларни томоша қилдик. Ширин таомлардан, иссиқ нонлардан татиб кўрдик. Меҳрибон инсонларнинг меҳнатига маҳоратига тан бараканмиз, уларга қарата: «Меҳмондустлигингиз учун ташаккур!» дедик.

Соня ЭСПОЗИТА, испаниялик сайёҳ.

МАҲАЛЛАМИЗ ПАҲЛАВОНЛАРИ

ЧЕМПИОНЛИК ОРЗУСИ ҲАР ЁШНИНГ ҚАЛБИДА БОР

Қашқадарёда фарзандининг 2 карра жаҳон чемпиони, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби Баҳром Авазовга ўхшаган паҳлавон бўлишини хоҳловчилар жуда кўп. Ҳатто чекка қишлоқлардан ҳам ота-оналар болаларини номдор полвонга шогирдликка олиб келишади.

Баҳром Авазов Болалар спортини ривожлантириш жамгармаси вилоят филиали раҳбари бўлиб ишлаб юрган кезларида вилоят ҳокимлигига Қарши шаҳрида кураш зали куриш ҳақида таклиф киритди. Натижада у ерда ҳомийлар кўмағида муҳташам болалар спорт соғломлаштириш маркази қурилиб, фойдаланишга топширилди. Марказ зарур анжомлар билан тўлиқ таъминланди. Бу ерда ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари, ювинишлари ва дам олишлари учун барча шарт-шароит яратилди.

Айни пайтда биргина кураш залида 200 дан ортққ ёшлар миллий кураш ва дзюдо сирасорларини ўрганишмоқда. Уларга жаҳон чемпиони Баҳром Авазов бошчилигидаги мураббийлар дурс беришяпти. Шуғулланувчилар орасида 11 ёшдан 22 ёшгача бўлган ёшлар бор. Машгулотлар қатъий тартиб асосида олиб борилади. Эрталаб кичик ёшдаги болалар, тушдан кейин ўсмирлар, кечки пайт эса катта ёшлар машгулотта келишади.

Курашчи ёшлар орасидан чемпионлар етишиб чиқяпти. Жумладан, Давлат Абраев кураш бўйича 2 карра Ўзбекистон ҳамда Осиё чемпиони бўлди. Бундан ташқари, у Францияда ўтказилган халқаро турнирда 79 килограмм вазнда иштирок этиб, чемпионлиқни қўлга киритди. Термиз шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида эса иккинчи ўринга сазовор бўлди.

Ёш чемпион Нишон туманидаги Меҳнатобод қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қиладди. Ҳамқишлоқлар шундай чемпион фарзандлари борлигидан фахрланишади. Унга ҳавас қилиб, бутунги кунда Меҳнатобод қишлоғининг ўзидан 10 нафар бола кураш тўғрисида қатнамоқда. Улар орасида Давлатнинг укаси Зокир Абраев ҳам бор.

Қарши шаҳридаги «Жайхун» маҳалласидан 5 нафар полвон кураш тўғрисидаги фаол аъзоларидан саналади. Улар орасидан Жаолиддин Авазов Сурхондарёда ўтказилган республика турнирида чемпионлиқни қўлга киритди. 2000-2012 йилларда тутилган ёшлар ўртасидаги Самарқанд



полвонлар етишиб чиқяпти. Жумладан, Давлат Абраев кураш бўйича 2 карра Ўзбекистон ҳамда Осиё чемпиони бўлди. Бундан ташқари, у Францияда ўтказилган халқаро турнирда 79 килограмм вазнда иштирок этиб, чемпионлиқни қўлга киритди. Термиз шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида эса иккинчи ўринга сазовор бўлди.

ёш чемпион Нишон туманидаги Меҳнатобод қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қиладди. Ҳамқишлоқлар шундай чемпион фарзандлари борлигидан фахрланишади. Унга ҳавас қилиб, бутунги кунда Меҳнатобод қишлоғининг ўзидан 10 нафар бола кураш тўғрисида қатнамоқда. Улар орасида Давлатнинг укаси Зокир Абраев ҳам бор.

ёш чемпион Нишон туманидаги Меҳнатобод қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қиладди. Ҳамқишлоқлар шундай чемпион фарзандлари борлигидан фахрланишади. Унга ҳавас қилиб, бутунги кунда Меҳнатобод қишлоғининг ўзидан 10 нафар бола кураш тўғрисида қатнамоқда. Улар орасида Давлатнинг укаси Зокир Абраев ҳам бор.

Санобар БОЙМУРОДОВА «Mahalla»

«ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ — 2013»

Ҳал қилувчи баҳсларга ҳозирлик қизгин



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Болалар ва ўсмирлар футболини ривожлантириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ҳамда истеъдодли ёшларни аниқлаш, қўлаверса, катта футбол учун муносиб номзодлар тайёрлаб беришда «Маҳалла» ҳайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу турнирнинг аҳамияти беқиёс.

Бекобод шаҳридаги «Қушбеги» маҳалла фуқаролар йиғинининг ёш чарм тўп усталаридан тузилган жамоа ҳам «Футболимиз келажаги»нинг кашфиётларидан. Мазкур жамоа жорий йилда 9-10 ёшли болалар ўртасидаги баҳсларнинг ҳал қилувчи финал босқичига йўланма олди.

Албатта, бу муваффақиятлар та-

содиф эмас. Сўнгги икки йилда маҳаллада йигин раиси Ҳақназар Худайназаровнинг ташаббуси билан замонавий спорт майдони барпо этилди. Ҳомийлар кўмағида қад ростирилган ушбу спорт масканида футбол майдонидан ташқари, гимнастика жилз шуғулланишга мўлжалланган жихозлар ҳам ўрнатилган. Ёш мураббий Шерзод Холатов маҳалла ёшларига футбол сирларини ўргатмоқда.

Жамоа Бекобод шаҳри миқёсида ўтказилган маҳаллаларо баҳсларда бошқалардан кучли эканини исботлади. Жорий йилнинг июль ойида эса Бука шаҳрида ўтказилган вилоят ҳудудий босқичида шаҳримиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Вилоят босқичининг финал учрашуварларида Ангрэн, Зангиота ва Қиёра тумани жамоаларига қарши ўтказилган ўйинларда ғолиб бўлиб, республика босқичига йўланмани

қўлга киритди. Пойтахтимиз мезбонлик қилган республика ҳудудий босқичи беллашуварларида футболчиларимиз Тошкент шаҳри жамоаси билан 0:0 ҳисобидаги дуранта имзо чеккан бўлса, Сирдарё вилояти жамоасидан 1:0 ва Жиззах вилояти жамоасидан эса 2:1 ҳисобида устун келиб, гуруҳда биринчи ўринни эгаллашди.

Жамоа аъзоларидан Ҳусниддин Дониёров, Элёр Йўлбарсов энг фаол ўйинчи сифатида эътироф этилди. 7-рақам остида тўп сурган Амиршоҳ Мирҳолиқов «Энг яхши ҳужумчи» номинациясига лойиқ топилди. Мусобақа ғолиблари ҳомийларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ҳал қилувчи учрашуварда ҳам фақат ғолиблиқни мақсад қилган жамоа айна қўнларда сўнгги тайёргарлик ишларини олиб бормоқда.

«Маҳалла» ҳайрия жамоат фондининг шаҳар бўлинимаси мутасаддилари ва йигин фаоллари жамоа масъулиятли учрашувага муносиб ҳозирлик қилиш учун амалий ёрдамни аямашпти.

Ёшлардаги иштиёқ-интилишнинг шароити ва имкониятлар билан ўйунлашаётгани ютуқларнинг муҳим омил бўлмоқда. Фарзандининг спорт орқали жисмонан ва маънан соғлом ўсишини чуқур англаб етган ота-оналарнинг футбол тўғрисидаги қизиқиши ҳам йил сайин ортиб, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзи таъминланаётди.

Дилдора ИСМОИЛОВА, «Маҳалла» ҳайрия жамоат фонди Бекобод шаҳар бўлинимаси масъул котиби.



Мамнун қасамёд қилди

Мамнун Ҳусайн Покистоннинг янги президенти сифатида қасамёд қилди.



Исломободда ўтказилган тантанали маросимга Покистон Олий суди бош

ҳақами Ифтихор Чондрий раҳбарлик қилди. 73 ёшли тадбиркор Мамнун Ҳусайн Покистон парламенти аъзолари томонидан июль ойида президент этиб сайланган. Узоқ йиллардан бери амалдаги бош вазир Навоз Шариф партиясининг аъзосидир. 1999 йилда Мамнун Ҳусайн Синд вилояти губернатори бўлиб ишлаган.

Курашнинг ғалабаси

Куни кеча Аргентинада ўзининг тарихий 125-сессиясини ўтказган Халқаро олимпия кўмитаси аъзолари кураш, сквош, бейсбол/софтболдан биттасини Олимпиада дастурида қолдириш масаласини кун тартибига қўйди.

Қувонарли томони шундаки, кўмита аъзоларининг аксарияти курашнинг ёқаб овоз беришди. Натижада кураш 2020 ва 2024 йилги Ёзги олимпиада ўйинларида дастурига қайтди.

Эслатиб ўтамиз, Буэнос-Айресда ўтган овоз беришлар якуни асосида Токио Истанбул ва Мадридни орда қолдириб, 2020 йилги Ёзги олимпиада ўйинларига мезбонлик қилиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Навбат музлик даврига...ми?

Арктиканинг совуқ ёзидан сўнг океаннинг муз майдонининг 60 фоизини ташкил қилди. Бу утган йилдан қарийб миллион квадрат миля кўпдир, дея хабар беради «Daily Mail» нашри.



Муз қатламнинг ортиши утган йили қайд этилган майдоннинг кескин қисқариши ортидан кузатишмоқда. Бунга қадар сўнгги олти йил давомида глобал иқлим иситиши нати-

Интернет маълумотлари асосида Ф.КОМРОН тайёрлади.

ОБОД КЎЧА ЭГАЛАРИ

ЧИРОЙ ВА КЎРКАМЛИК ИНСОНЛАРДАН АНДОЗА



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Мустақиллик — нафақат эркинлик, балки тотувлик, ободлик ва фаровонлик каби эзгу тушунчаларни ҳам англатиши бежиз эмас.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида қарор топиб бораётгани уларнинг аҳамияти нечоғли улуг эканидан

далолат беради. Хусусан, Мирзо Улугбек туманидаги «Мустақиллик» маҳалласи ҳам номига мос равишда гуллаб-яшнаётган нурили масканлардан.

Йигиндаги мафтункор манзара шаҳар ичидидаги кичик шаҳарчани эслатади. Аҳолиси 2,2 минг нафардан зиёд кишини ташкил этган маҳаллада ободонлаштириш борасидаги саты-ҳаракатлар эйтиборга лойиқ. Айниқса, ҳудуддаги кўча бошиқларининг ўз вазифасига масъулият билан ёндашиши натижасида маскан кун сайин чирой очмоқда.

— Яхё Ғуломов номидаги кўча бошиғи Сайёра Азимхўжаева ташаббускор ва ибратли фаолларимиздан, — дейди «Мустақиллик» маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби Муҳайё Камолдиннова. — Ёшлари етишдан ошган Сайёра ая 13 йилдан буён ҳам уй бошлиғи, ҳам кўча бошлиғи сифатида фаолият юритади. Кўча ҳудудида 6-7-ўйлар жойлашган. Онахон мазкур вазифани зиммасига олган йиллари эккан хурмо, олхўри, шотут, ўрик, пилос кўчатлари ҳозирда шигил ҳосил бериляпти. Сайёра ая уй аҳдининг бир-

дамлигини таъминлаб, ҳудудни бежирим темир панжалар билан ўрналишга, кўчага замонавий ёриткичлар ўрнатилишига ҳисса қўшди. Фидойий кўча бошиқларининг ташаббуси ва тадбиркорлар ҳомийлигида бу ерда замонавий автотураргоҳ қурилиб, болалар майдончаси таъмирланди.

Атрофдагиларга эзгулик илинин чарчамайидиган онахоннинг жонкуярлигида 6-уйининг ертўла си капитал таъмирдан чиқарилди. Кўчинлар ётқизибли, шинам куринишга келтирилган бу жойда кишилар жазирама кунларда салқинлаб, дам олишди.

— Қўни-қўшнилар, қариндошлар «Ая, маҳалла ташвишлари билан чарчамадингизми?» деб сўрашади, — дейди Сайёра опа. — Ахир «Мустақиллик» маҳалласида яшаётган, хурлик эпкинидан баҳраманд бир нуруний сифатида давлатимиз раҳбари томонидан фуқаролар йиғинларига қаратилган эътибор, фаолларга биддириляёт-

ган юксак ишончни оқлашимиз зарур. Бунинг учун ҳар биримиз сидқидилдан меҳнат қилишимиз, эл-юрт манфаатларига ўз ҳиссамизни қўшилишимиз даркор.

Аянинг айтишича, айни пайтда кўчада куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари олиб бориляпти. Қувурлар тўлиқ равишда техник назоратдан ўтказилмоқда.

Маҳалланинг теварак-атрофига қараб, у ерда истиқомат қилувчи инсонларга баҳо берилади. Яхё Ғуломов кўчасидан қайтар эканмиз, бу сўзининг айни ҳақиқатлиги, кўча аҳдининг ўзаро уюшқоқлигиу меҳнатсеварлигига амин бўлдик. Ҳудуддаги фаввора ва гулзорлар кишининг бахридлигини очиб, ўзгача завқ бағишляшида, дилтортар гушанинг гуллаб-яшнаётганида кўча бошлиғи Сайёра Азимхўжаевани ҳам ҳиссаси борлиги сезилиб турибди.

Дилдора ҚАРШИБОВЕВА «Mahalla»



Mahalla

ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» ҳайрия жамоат фонди Республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатта олинган.

Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар: 236-53-93 233-39-89 236-53-75 236-57-62 Факс: 233-10-73



Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ. Саҳифаловчи: А.Мейликков Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова Навбатчи: Т.Низомов Нашр навбатчиси: Н.Ҳайдаров Нашр курсаткичи: 148

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.